

СУРХОНДАРЁДА МОТЕЛЛАР ВА КЕМПИНГЛАР ЛОЙИХАЛАШ.

Тошпулатов Б.Б ТерДУ ўқитувчиси

Аввало шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 02.12.2016 ПФ-4861-сонли Фармоннинг 4-бандига мувофиқ мамлакатимизда қўйидаги ишлар амалга оширилиши қўзда тутилган

4. Белгилансинки, 2017 йил 1 январдан бошлаб:

-фақат туризм фаолиятини ташкиллаштиришини таъминлайдиган туризм корхоналари - туризм операторлари, туризм агентликлари, экскурсия ташкилотлари, туризм фирмалари туризм фаолиятини амалга ошириш хуқуқи юзасидан лицензияланадилар;

-туризм фаолиятини амалга ошириш хуқуқига лицензия олишда туризм хизматлари сертификати билан тасдиқланган туристлар ва экскурсантларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфсизликни таъминлаш тизимининг мавжудлиги мажбурий лицензия талаби ва шарти хисобланади;

-мехмонхоналарда ва жойлаштиришнинг шу каби воситаларида туризм хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишга лицензия мавжуд бўлиши бўйича талабни бекор қилган ҳолда, туризм фаолияти билан боғлиқ бўлган субъектлар - мехмонхоналар, мотеллар, кемпинглар ва жойлаштиришнинг шу каби воситалари томонидан кўрсатиладиган туризм хизматлари мажбурий сертификатланади. Бунда 2018 йил 1 апрелдан бошлаб хорижий туристларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналари ва автотранспорт корхоналарини ихтиёрий сертификатлаш жорий этилади;

-гидлар (экскурсия етакчилари), кузатиб борувчи-йўриқчиларнинг хизматлари фақат улар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан бериладиган малака сертификати олгандан кейин

жисмоний шахслар ёки юридик шахсларнинг ходимлари томонидан амалга оширилиши мумкин;

-туризм корхоналари туризм фаолияти субъектлари билан фақат уларда мувофиқлик сертификати мавжуд бўлган тақдирда улар томонидан хорижий туристларга туризм хизматлари кўрсатиш юзасидан шартномалар (битимлар) тузиш хуқуқига эга.

Шуни алоҳида такидлаш жоизки Сурхондарё ўзининг этник тарихи ва бой номоддий мерос объектлари – кўп асрлик осори-атиқалари, ноёб меъморий обидалари, ҳунармандчилиги дунё илм-фанига бекиёс ҳисса кўшган алломалари билан машҳур.

Булардан хадисшунос олимларимиз Исо Термизий, Ҳаким Термизий, Ҳожа Самандар Термизийлар ва Султон Саодат мажмуаси, Фаёзтепа ва Зараутсой маскани, Шайх Алоутдин Аттор, Сўфи Оллоҳёр мақбаралари бугун юртдошларимизнинг муборак зиёратгоҳига айланган. Айниқса, минтақада ягона бўлган Термиз археология музейи ва Бойсун тоғизмасидаги ғорда жойлашган Тешиктош — археологик қўриқхона, қадимий ва ноёб асори-атиқаларга бойлиги билан дунё қадимшунослари ва хорижлик сайёҳларда катта қизиқиши уйғотаётир.

Шундай экан музейлар, масканлар ва зиёратгоҳларимиз яқинидан замонавий ландшафт шаклида мотеллар (**Мотель** – сайёҳларга ва узок шаҳарларга юк ташувчи хайдовчилар учун мўлжалланган меҳмонхона, ресторан, автомобиллар сақлаш жойи, автосервис биноси, ёнилғи қуйиш шохобчаси, автомобилларнинг қисқа муддатга тўхташ майдонларидан ташкил топган бўлади) ва кемпинглар (**Кемпинг** – сайёҳларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган керакли қурилмалар билан жиҳозланган ва ободонлаштирилган, манзарали табиат қўйнидаги ҳудуддир. Сайёҳлар учун, ётоқхона сифатида палаткалар учун ва унинг атрофида автомобиллар сақлаш учун майдончалар ажратилади) барпо этсак юртимизга келадиган сайёҳларлар қулай шарт-шароитлар яратилади, янги иш ўринлари пайдо бўлади ва Бу йўналишдаги эзгу саъй-ҳаракатлар тарихимизни мукаммал

ўрганиш, жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ мутафаккирларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини чукур тадқик этиш, миллий ўзликни англаш, маънавиятимизни юксалтириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, тарихимизга хурмат-эҳтиром руҳида вояга етказишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 02.12.2016 ПФ-4861-сонли Фармони.
2. М.А.Икрамов. Автотранспорт воситалари сервиси. Тошкент, Зарқалам, 2005, 432 б
3. С.Турсунов ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи ва маданияти-Сурхондарё этнографияси. Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашрёти. 2006.-278-б